

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ  
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.24/2026.31.01.Yu.01.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ**

**БОБОХОНОВ АКРАМХОН АЛОХОНОВИЧ**

**ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ИШ ЮРИТИШНИ ТЎХТАТИШ ВА ҚАЙТА  
ТИКЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-қидирув ҳуқуқ ва суд экспертизаси

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2026**

**Докторлик (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской диссертации (PhD)**

**Content of the abstract of the doctoral (PhD) dissertation**

**Бобохонов Акрамхон Алохонович**

Жиноят процессида иш юритишни тўхтатиш ва қайта тиклашни  
такомиллаштириш масалалари..... 3

**Бобохонов Акрамхон Алохонович**

Вопросы совершенствования приостановления и возобновления  
производства в уголовном процессе..... 27

**Bobokhonov Akramkhon Alokhonovich**

Issues of improving suspension and resumption in criminal  
proceedings..... 53

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 58

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ  
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.24/2026.31.01.Yu.01.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ**

**БОБОХОНОВ АКРАМХОН АЛОХОНОВИЧ**

**ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ИШ ЮРИТИШНИ ТЎХТАТИШ ВА ҚАЙТА  
ТИКЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-кидирув ҳуқуқ ва суд экспертизаси

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2026

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2024.1.PhD/Үу1345 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси веб-сайти ([www.proacademy.uz](http://www.proacademy.uz)) ва "ZiyoNET" Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Астанов Истам Рустамович</b> юридик фанлар доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Имомназаров Алишер Хасанович</b> юридик фанлар доктори <b>Қўшаев Нурали Махмудович</b> юридик фанлар номзоди, доцент
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Тошкент давлат юридик университети</b>

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.24/2026.31.01.Үу01.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2026 йил 8 июль куни соат 14:30 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Рихсий кўчаси, 9-уй. Тел.: (+99871) 202-04-96, e-mail: [info@proacademy.uz](mailto:info@proacademy.uz)).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (88-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Рихсий кўчаси, 9-уй. Тел.: (99871) 202-04-96).

Диссертация автореферати 2026 йил 24 июнда тарқатилди.  
(2026 йил 24 июндаги 06-рақамли реестр баённомаси).

**В.Каримов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

**Ш.И.Шайзаков**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

**Ғ.М.Шодиев**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, доцент

## КИРИШ (докторлик (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда жиноят процессида иш юритишни тўхтатиш ва қайта тиклаш механизмларини ўрганишнинг долзарблиги глобаллашув ва трансмиллий жиноятлар шароитида одил судловни таъминлаш зарурати билан боғлиқ. “Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Европа Конвенцияси<sup>1</sup> ва “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро Пакт<sup>2</sup> каби халқаро стандартлар жиноят процесси иштирокчилари ҳуқуқларининг бузилиши хавфини минималлаштириш учун мазкур институт фақат қатъий ҳуқуқий кафолатлар доирасида қўллашни талаб қилади. Жиноят процессида иш юритишни тўхтатиш ва қайта тиклашнинг самарали тартибга солиниши нафақат тарафларнинг процессуал ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, процессуал муносабатларни тўғри ташкил қилишга, балки, мураккаб ва кўп вақт талаб этадиган ишларда жинойий одил судловнинг самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Жаҳонда одил судлов самарадорлиги ва процесс иштирокчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ўртасидаги мувозанатни таъминлаш учун жиноят процессида иш юритишни тўхтатиш ва қайта тиклаш институтини қўллаш бўйича давлатларнинг миллий қонунчилиги ва уни қўллаш бўйича амалиётини таҳлил қилиш зарурияти юзага келади. Дунё аҳолисининг 83 фоизи жиноятчилик даражаси юқори бўлган ҳудудларда истиқомат қилиши ва бу кўрсаткич 2021 йилда 79 фоизни ташкил этганлиги йилдан-йилга криминоген вазият мураккаблашиб бораётганлигидан далолат бермоқда<sup>3</sup>. Халқаро тадқиқотларга кўра, турли юрисдикцияларда ҳар йили ўртача 15-30 фоизгача жиноят ишлари турли сабабларга кўра, жумладан жиноят ишида айбланувчи тарзида жалб этиш мумкин бўлган шахс мавжуд эмаслиги, далилларни халқаро ҳамкорлик орқали олиш зарурати ёки мураккаб экспертиза натижаларини кутиш асослари билан тўхтатиб қўйилади<sup>4</sup>. Аммо, турли юрисдикцияларда ҳуқуқий нормаларни қўллаш асослари, муддатлари ва тартиб-таомилларида ягона амалиёт мавжуд эмас. Бундан ташқари, глобаллашув шароитида ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этиш, процессуал нормаларни уйғунлаштириш ва ушбу институтларнинг қўлланилишини олдиндан кўра билиш имконини берадиган универсал ёндашувларни ишлаб чиқишга эҳтиёж ортиб бормоқда.

Республикамизда “Ўзбекистон – 2030” стратегияси асосида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан ислоҳ этиш, хусусан, мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш вазифаси белгиланди. Стратегиянинг норма ижодкорлиги фаолиятининг ислоҳотлар билан уйғунлигини таъминлаш ва давлат ҳуқуқий сиёсатининг институционал асосларини ривожлантириш

<sup>1</sup> Электрон ресурс: [https://www.echr.coe.int/documents/d/echr/Convention\\_RUS](https://www.echr.coe.int/documents/d/echr/Convention_RUS)

<sup>2</sup> Электрон ресурс: [https://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/conventions/pactpol.shtml](https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/pactpol.shtml)

<sup>3</sup> Электрон ресурс: <https://page.globalinitiative.net/ocindex-2023-press-kit/>

<sup>4</sup> Электрон ресурс: <https://worldpopulationreview.com/country-rankings/crime-rate-by-country>

белгиланган 80-мақсадида тўғридан-тўғри амал қиладиган қонунларни қабул қилиш амалиётини кенгайтириш (шу жумладан, ҳаволаки нормаларни қисқартириш орқали), 84-мақсадида Конституция ва қонунларнинг устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашни суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг бош мезонига айлантириш, 87-мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятини инсон манфаатлари, кадр-қиммати ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтириш белгиланди. Ушбу мақсадларга эришиш учун амалдаги жинойт-процессуал қонунчилигини замон ҳамда илғор халқаро стандартлар талабларига мослаштириш талаб этилади<sup>5</sup>.

Жиноят ишларининг фош этилмаслик, қидирув ва бошқа асослар билан тўхтатилиши жинойт содир этилишини рағбатлантирувчи омиллардан бири ҳисобланади. Чунки, жинойт учун жазо муқаррарлигининг сўзсиз таъминланмаслиги, келгусида яна жинойт содир этилишига замин яратади. Таҳлиллар республикамизда сўнгги йилларда жинойт процессида иш юритишни тўхтатиш ва қайта тиклаш сони бирмунча ортганлигини кўрсатмоқда. Жумладан, 2020 йилда республикада тергов қилинган жинойт ишларининг 8638 таси (тергов қилинган ишларнинг 14 фоизи) тўхтатилган бўлса, 2025 йилда 44302 таси (29,4 фоизи) турли асосларга кўра тўхтатилган. Ёки, бу давр оралиғида тўхтатилган жинойт ишлари миқдор кўрсаткичларда 5,1 маротаба ортган бўлса, уларнинг тергов қилинган ишлардаги улуши 2,1 карра ортган. Қайд этилган даврда тўхтатилган жинойт ишларининг 82,3 фоизи (96300 та) фош этилмаслик асоси билан ва 17,3 фоизи (20193 та) қидирув асослари билан тўхтатилган. Айнан шу даврда тўхтатилган ишларнинг 38,7 фоизи (45241 та) қайта тикланган бўлса, 4,5 фоизи (5215 та) бекор қилинган<sup>6</sup>. Худди шундай ҳолат суд амалиётида ҳам кузатилмоқда. Хусусан, 2020 йилда судлар томонидан кўрилган ишларнинг 514 таси (ёки барча ишларнинг 1,7 фоизи) тўхтатилган бўлса, 2025 йилда бу кўрсаткич 1576 тага (2,5 фоизга) етган. Судларда кўрилган жинойт ишларининг тўхтатилиши ҳам йилдан-йилга ортиб борганлигини кўриш мумкин (2020 й.-514, 2021 й.-1123, 2022 й.-1274, 2023 й.-1471, 2024 й.-1515, 2025 й.-1576)<sup>7</sup>. Бу ўз навбатида, жинойт–процессуал қонун нормаларининг асосий вазифаси бўлмиш айбдорларни фош этиш ва жинойт учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларининг етарли таъминланмаётганлигини, шунингдек жинойт ишини тўхтатишни тақозо этадиган ҳолатларни танқидий таҳлил қилиб, зарур чора-тадбирларни белгилаш ҳамда мазкур йўналишда чуқур илмий-амалий тадқиқотлар ўтказиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (2023), Жинойт кодекси (1994 йил), Жинойт-процессуал кодекси (1994), Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш

<sup>5</sup> Электрон ресурс: <https://lex.uz/docs/8050769#8052038>

<sup>6</sup> Ички ишлар вазирлиги Рақамли технологиялар ва ҳуқуқий статистика департаменти ҳуқуқий статистика Бош маркази статистик маълумотларидан фойдаланилди.

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий судининг статистик маълумотларидан фойдаланилди.

кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2016), “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги (2017), “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2020), ““Рақамли прокуратура – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2025), “Мамлакат тараққиётининг 2030 йилгача мўлжалланган устувор йўналишлари доирасида ислохотларни изчил давом эттириш ва янги босқичга олиб чиқишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2026) Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 14.05.2018 йилдаги ПҚ-3723-сон, “Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 13.12.2019 йилдаги ПҚ-4551-сон, “2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги 03.01.2025 йилдаги ПҚ-1-сон, “Республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш йўналишида яхлит манзилли ишлаш тизимини жорий этишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 05.01.2026 йилдаги ПҚ-1-сон, “2026 йилда республика маҳаллаларида жиноятчиликнинг барвақт профилактикаси самарадорлигини янада ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги 05.01.2026 йилдаги ПҚ-2-сон Қарорлари ҳамда мазкур тадқиқот мавзусига доир бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мамлакатимизда жиноят процессида иш юритишни тўхтатиш ва қайта тиклаш масалалари қисман ўрганилган. Унинг айрим жиҳатларига А.Т.Аширбоев, И.Р.Астанов, Ғ.А.Абдумажидов, Б.Г.Алимджанов, Х.Х.Ботиров, Х.Н.Бахронов, С.Н.Гордеев, З.Ф.Иноғомжонова, Д.Е.Каримова, А.А.Матчанов, Б.Б.Муродов, Б.А.Мўминов, Д.М.Миразов, Ф.З.Насриддинов, Э.Х.Нарбутаев, Ю.С.Пулатов, А.Х.Раҳманкулов, М.Х.Рустамбоев, С.М.Раҳмонова, Б.А.Ражабов, М.А.Ражабова, Б.Н.Рашидов, Г.З.Тўлаганова, У.А.Тухташева, Ш.Ф.Файзиев, Б.Б.Ҳидоятлов ва бошқаларнинг илмий ишларида эътибор қаратилган<sup>8</sup>.

<sup>8</sup> Мазкур олимларнинг илмий ишларига ҳаволалар адабиётлар рўйхатида келтирилиб ўтилади.

Диссертация мавзуси бўйича Х.Х.Ботиров ва А.Т.Аширбоевларнинг тадқиқотларида дастлабки тергов ва суд муҳокамаси босқичида иш юритишни тўхтатиш ва қайта тиклаш билан боғлиқ айрим муаммолар ўрганилган бўлса, С.М.Рахмонова, Б.А.Мўминов, Г.З.Тўлаганова ва З.Ф.Иноғомжоновалар дастлабки терговни тўхтатиш тушунчаси, ҳуқуқий тавсифи ва процессуал асосларини, С.Н.Гордеев ва А.А.Матчановлар тергови тўхтатилган жиноят ишлари бўйича тезкор-кидирувни ташкил этиш масалаларини, И.Р.Астанов эса жиноят процессида экспертиза ўтказилганда терговни тўхтатиш масаласини ёритган. Бироқ, мазкур диссертация тадқиқоти терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси босқичларида иш юритишни тўхтатиш ва қайта тиклаш билан боғлиқ назарий ва амалиётдаги муаммоларни ҳамда уларнинг ечимларини топишга қаратилиб, хорижий давлатлар қонунчилигини чуқур қиёсий ва комплекс тарзда таҳлил қилиш орқали мазкур институтни янада такомиллаштиришга йўналтирилган ва мавзу бир мунча кенгрок ракурсда тадқиқ қилинган.

Хорижий мамлакатлар жиноят процессида иш юритишни тўхтатиш ва қайта тиклаш масаласи Е.А.Архипова, Б.Т.Безлепкин, Б.Б.Булатов, А.М.Баранов, В.Н.Бутов, В.М.Быков, В.Л.Будников, А.Г.Волеводз, П.Е.Власов, Б.Я.Гаврилов, Л.В.Головко, В.Е.Гуцев, И.Ф.Герасимов, В.В.Дорошков, Б.И.Дергай, М.С.Егорова, Э.Ф.Закирова, Е.А.Зайцева, А.Н.Калюжный, А.В.Кочетова, М.В.Королев, Б.Г.Коврижных, С.М.Кургинян, М.Е.Клюкова, К.Б.Калиновский, К.К.Клевцов, А.В.Лисицина, В.Д.Ломовский, В.П.Малков, М.А.Матющенко, О.В.Мичурина, А.Г.Мусеилов, А.А.Нечаев, С.А.Новиков, А.А.Орлова, А.М.Попов, Н.А.Патов, Н.Н.Поплавская, М.Г.Решняк, В.В.Рябчиков, В.А.Родивилина, Л.М.Репкин, К.А.Сергеев, В.В.Солодовник, В.Ю.Стельмах, Торстен Феррел, Фридрих-Кристиан Шредер, К.Д.Халменов, В.Н.Чаплыгина, А.С.Шагинян, К.Д.Шатило, С.П.Щерба, П.С.Элькинд ва бошқалар томонидан ўрганилган<sup>9</sup>.

Мазкур диссертация мавзуси Ўзбекистонда амалга оширилган тадқиқотларга нисбатан кенгрок бўлиб, жиноят ҳақидаги ариза ва хабар келиб тушганидан то суд муҳокамаси якунига қадар бўлган жараёнда иш юритишни тўхтатиш ва қайта тиклашга бағишланган комплекс тадқиқот ҳисобланади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган ва “Жиноят-процессуал қонунчилик нормаларини қўллашни такомиллаштириш муаммолари” устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** иш юритишни тўхтатиш ва қайта тиклаш жиноят-процессуал ҳуқуқининг асосий элементлари сифатида назарий ва амалий жиҳатдан англаш, шунингдек, мамлакатимиздаги жорий ҳолат, замонавий тенденциялар ва халқаро стандартларни инобатга олган ҳолда иш юритишни тўхтатиш ва қайта тиклаш асослари, тартиб-таомиллари ва

---

<sup>9</sup> Мазкур олимларнинг илмий ишларига ҳаволалар адабиётлар рўйхатида келтирилиб ўтилади.

параметрларини такомиллаштиришга кўмаклашувчи илмий асосланган таклифларни ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

жиноят процессида иш юритишни тўхтатиш ва қайта тиклашнинг назарий ва процессуал жиҳатларини тадқиқ этиш;

жиноят процессида иш юритишни тўхтатиш ва қайта тиклашнинг юридик табиати ҳамда ҳуқуқий аҳамиятини батафсил ёритиш;

жиноят процессида иш юритишни тўхтатиш ва қайта тиклаш институтларининг тадрижий ривожланишини таҳлил қилиш;

жиноят процессида иш юритишни тўхтатиш асосларини таҳлил қилиш;

жиноят процессида иш юритишни қайта тиклаш асосларини таҳлил қилиш;

жиноят процессида иш юритишни тўхтатиш ва қайта тиклашнинг процессуал тартибини таҳлил қилиш;

жиноят процессида иш юритишни тўхтатиш ва қайта тиклаш бўйича хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш;

жиноят процессида иш юритишни тўхтатиш ва қайта тиклаш бўйича миллий қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объекти** жиноят процессида иш юритишни тўхтатиш ва қайта тиклаш билан боғлиқ ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар тизимидир.

**Тадқиқотнинг предмети** жиноят процессида иш юритишни тўхтатиш ва қайта тиклаш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар, уларни суд-тергов жараёнида қўллаш амалиёти, жиноят процессида мазкур институтлар билан боғлиқ илмий назарий қарашлар, хорижий давлатларнинг қонунчилиги ва миллий қонунчилигимизнинг ўзига хос жиҳатлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот олиб боришда диалектика, анализ, синтез, индукция, дедукция, силлогизм, тарихийлик, тизимли таҳлил, қиёсий-ҳуқуқий, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, ижтимоий сўров, статистик маълумотлар таҳлили, мантиқий таҳлил, жиноят ишлари материалларини ҳамда суд қарорларини ўрганиш каби усуллар қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:**

терговчи ва суриштирувчининг жиноят иши бўйича терговни тўхтатиш, шунингдек тергов ҳамда суриштирув бўлими раҳбарларининг асоссиз ва қонунга хилоф бўлган терговни тўхтатиш қарорларини бекор қилиш ваколатларини қонунда назарда тутиш таклиф этилган;

пандемия, фавкулудда ҳолатлар, енгиб бўлмас куч таъсирида процесс иштирокчисининг ишда иштирокига монелик қилувчи ҳолатларда, шунингдек экспертиза, тафтиш, хизмат текширув ва бошқа текширув ўтказилиши муносабати билан ҳамда дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум қилиш жараёнида иш юритишни тўхтатишни қонунда мустаҳкамлаш зарурлиги асослантирилган;

жиноят процессида иш юритишни тўхтатиш институтини нафақат айбланувчи ёки судланувчи мақомидаги процесс иштирокчисига нисбатан, балки гумон қилинувчига нисбатан ҳам татбиқ қилиш, шунингдек шахсни айблаш учун асос бўлган қонуннинг Конституцияга мослиги юзасидан

Конституциявий судга мурожаат қилинганда, жиноят иши бўйича далиллар ғайриқонуний йўллар билан тўпланганлиги ҳақидаги мурожаат прокурор томонидан текшириляётганда, жиноят ишини жиноий таъқибни давом эттириш учун хорижий давлатга юборилаётганда иш юритишни тўхтатишни назарда тутиш, жиноят иши бўйича дастлабки тергов ҳамда суд муҳокамаси тўхтатилган ва қайта тикланганда процесс иштирокчиларининг айримлари эмас, балки барча манфаатдор тарафлар исбот қилиш субъектлари томонидан хабардор қилинишини қонунда акс эттириш таклиф этилган;

жиноят процессида иш юритишни тўхтатиш вақтида иш бўйича хатланган мол-мулкнинг тақдири ҳамда хавфсизлик чоралари қўлланилган шахсларга хавфсизлик чораларининг давом эттирилиши ёки йўқлиги масаласини ҳал этишни исбот қилиш субъектлари зиммасига юклаш, шунингдек бедарак йўқолган шахс топилмаганда дастлабки терговни тўхтатишни қонунда акс эттириш зарурлиги асослантилган;

терговга қадар текширув жараёнида иш юритишни уч ойга қадар тўхтатиш асосларини қонунчиликда акс эттириш лозимлиги асослантилган.

#### **Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:**

назарий қарашларни илмий таҳлил қилиш орқали “жиноят процессида иш юритишни тўхтатиш”, “жиноят процессида иш юритишни қайта тиклаш” ҳамда “тергов ёки судга келишдан қасддан бўйин товлаш ёхуд яшириниш” тушунчаларига муаллифлик таърифлари ишлаб чиқилган;

жиноят процессида “тергов ёки судга келишдан қасддан бўйин товланган ёхуд яширинган шахс” билан “айбланувчининг қаерда эканлиги номаълумлиги” тушунчаларини бир-биридан ажратиш зарурлиги асослантириб берилган;

дастлабки терговни тўхтатиш ва қайта тиклаш ҳақидаги қарор қабул қилинганда бу ҳақда йигирма тўрт соат ичида прокурорни ҳамда тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларни хабардор қилиш, ўз навбатида прокурор дастлабки терговни тўхтатиш ҳақидаги қарорнинг қонунийлигини ўн сутка муддатда ўрганишини белгилаш таклиф этилган;

жиноят иши бўйича тўпланган далиллар қонунга хилоф ҳаракатлар ва шафқатсиз муомала натижасида олинганлиги ҳақида мурожаатни прокурор кўриб чиққунига қадар иш юритишни тўхтатиш зарурлиги асослантилган;

“Жиноят иши юритувини тўхтатиш ва қайта тиклаш институти” номи ўқув қўлланма тайёрланиб, юридик олий ўқув юртларининг магистратура ва бакалаврият босқичида таълим олувчи талабалар, тингловчилар томонидан ўқув жараёнида ҳамда суриштирув ва тергов соҳаси ходимларининг амалиётда, шунингдек Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида “Тергов фаолияти” фанини ўқитишда фойдаланиш учун тақдим этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот давомида олинган назарий-илмий хулосалар халқаро илмий базалар, халқаро ҳуқуқ ва миллий қонунчилик нормалари, социологик тадқиқотлар, расмий статистик маълумотлар ҳамда бошқа расмий манбалардаги ишончли маълумотлар асосида шакллантирилган. Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, тадқиқот давомида эришилган натижалар миллий ва халқаро

нашрларда эълон қилинган. Тадқиқот натижалари амалиётга жорий этилгани ваколатли давлат органлари томонидан тасдиқланган. Илмий тадқиқот доирасида 2020-2025 йиллардаги статистик маълумотлар, прокуратура органларида мавжуд “SEDO” электрон ахборот дастури ёрдамида жами 6900 нафар прокурор, терговчи, суриштирувчи, тезкор ходимлар ва педагоглар, 39 нафар судьялар ўртасида сўров ўтказилган, 487 та жиноят ишлари, 240 та терговга қадар текширув материаллари ва 110 та суд қарорлари таҳлил қилинган.

### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундаки, унда илгари сурилган назарий ғоялар, хулоса ва таклифлар келгусида жиноят ҳуқуқи, жиноят-процессуал ҳуқуқи, терговга қадар текширув фаолияти, тергов фаолияти, тезкор-қидирув ҳуқуқи ва криминалистика фанларини назарий жиҳатдан янада ривожлантиришга, қонун ижодкорлиги, жиноят процессида иш юритишни тўхтатиш ва қайта тиклаш институтларини илмий тадқиқ этишга, қонун нормаларини шарҳлаш ва қонунчиликни такомиллаштиришга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, унинг натижасида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан Жиноят-процессуал кодекси, Жиноят кодекси ва бошқа, шу жумладан идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар нормаларини такомиллаштиришда, Олий суд Пленумининг қарорлари, бюллетень ва умумлашмалар, илмий мақолалар тайёрлашда, ўқув жараёнида, шунингдек, ўқув ва услубий қўлланмалар яратишда фойдаланилиши мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Жиноят процессида иш юритишни тўхтатиш ва қайта тиклаш институтини такомиллаштириш масалалари бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

терговчи ва суриштирувчининг жиноят иши бўйича терговни тўхтатиш, шунингдек тергов ҳамда суриштирув бўлими раҳбарларининг асоссиз ва қонунга хилоф бўлган терговни тўхтатиш қарорларини бекор қилиш ваколатларини ЖПКнинг 36, 37, 38<sup>1</sup> ва 39-моддаларида акс эттириш лозимлиги ҳақидаги таклифлар қонун ижодкорлиги фаолиятида фойдаланиш учун қабул қилинган (Бош прокуратуранинг 17.09.2025 йилдаги №27/2-253-25-сон далолатномаси, Олий Мажлис Қонунчилик Палатаси ҳузуридаги Парламент Тадқиқотлари Институтининг 14.10.2025 йилдаги №9/dn-205-сон далолатномаси). Ушбу таклифларнинг инобатга олиниши натижасида терговчи ва суриштирувчиларнинг ваколатлари доирасини янада аниқлаштиришга ҳамда суриштирув ва тергов органлари раҳбарларининг ваколатларини кенгайтириш орқали, процессуал қарорлар қабул қилиниши устидан идоравий назорат самарадорлигини оширишга хизмат қилади;

пандемия, фавқулодда ҳолатлар, енгиб бўлмас куч таъсирида процесс иштирокчисининг ишда иштирокига монелик қилувчи ҳолатларда, шунингдек экспертиза, тафтиш, хизмат текширув ва бошқа текширув ўтказилиши муносабати билан ҳамда дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум қилиш жараёнида иш юритишни тўхтатишга оид нормаларни ЖПКнинг 364 ва 420-моддаларида акс эттириш ҳақидаги таклифлар қонун ижодкорлиги фаолиятида фойдаланиш учун қабул қилинган (Олий Мажлис Қонунчилик Палатаси ҳузуридаги

Парламент Тадқиқотлари Институтининг 14.10.2025 йилдаги №9/dn-205-сон далолатномаси). Ушбу таклифларнинг қабул қилиниши натижасида жиноят процессида иш юритишни тўхтатиш асосларини кенгайтириш ҳамда шу йўл билан асоссиз ва қонунга зид қарорлар қабул қилинишини олдини олишга хизмат қилади;

жиноят процессида иш юритишни тўхтатиш институтини нафақат айбланувчи ёки судланувчи мақомидаги процесс иштирокчисига нисбатан, балки гумон қилинувчига нисбатан ҳам татбиқ қилиш, шунингдек шахсни айблаш учун асос бўлган қонуннинг Конституцияга мослиги юзасидан Конституциявий судга мурожаат қилинганда, жиноят иши бўйича далиллар ғайриқонуний йўллар билан тўпланганлиги ҳақидаги мурожаат прокурор томонидан текшириляётганда, жиноят ишини жиноий таъқибни давом эттириш учун хорижий давлатга юбориляётганда иш юритишни тўхтатишни назарда тутиш, жиноят иши бўйича дастлабки тергов ҳамда суд муҳокамаси тўхтатилган ва қайта тикланганда процесс иштирокчиларининг айримлари эмас, балки барча манфаатдор тарафлар исбот қилиш субъектлари томонидан хабардор қилинишини қонунчиликда акс эттириш ҳақидаги таклифлар қонун ижодкорлиги фаолиятида фойдаланиш учун қабул қилинган (Олий Мажлис Қонунчилик Палатаси ҳузуридаги Парламент Тадқиқотлари Институтининг 14.10.2025 й. №9/dn-205-сон далолатномаси). Ушбу таклифларнинг қабул қилиниши иш юритишни тўхтатиш асосларини кенгайтириш орқали процессуал муддатларнинг асоссиз ўтказилишини олдини олишга ҳамда процесс иштирокчиларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари тўлақонли таъминланишига хизмат қилади;

жиноят процессида иш юритишни тўхтатиш вақтида иш бўйича хатланган мол-мулкнинг тақдири ҳамда хавфсизлик чоралари қўлланилган шахсларга хавфсизлик чораларининг давом эттирилиши ёки йўқлиги масаласини ҳал этишни исбот қилиш субъектлари зиммасига юклаш, бедарак йўқолган шахс топилмаганда дастлабки терговни тўхтатиш ҳақидаги нормаларни ЖПКнинг 364-моддасида акс эттиришни назарда тутувчи таклифлар қонун ижодкорлиги фаолиятида фойдаланиш учун қабул қилинган (Олий Мажлис Қонунчилик Палатаси ҳузуридаги Парламент Тадқиқотлари Институтининг 14.10.2025 й. №9/dn-205-сон далолатномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилиниши иш юритиш тўхтатилганда процесс иштирокчиларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга ҳамда айрим тоифадаги жиноят ишлари бўйича етарли асосларсиз қарорлар қабул қилинишини олдини олишга хизмат қилади;

терговга қадар текширув жараёнида иш юритишни уч ойга қадар тўхтатиш асосларини ЖПКнинг 329-моддасида назарда тутиш ҳақидаги таклифлар қонун ижодкорлиги фаолиятида фойдаланиш учун қабул қилинган (Олий Мажлис Қонунчилик Палатаси ҳузуридаги Парламент Тадқиқотлари Институтининг 14.10.2025 й. №9/dn-205-сон далолатномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилиниши терговга қадар текширув жараёнида муҳим далиллар тўпланмасдан туриб, асоссиз қарорлар қабул қилинишини олдини

олишга ҳамда терговга қадар текширувнинг тўлиқ, ҳар томонлама ва сифатли ўтказилишига хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 6 та (3 та халқаро, 3 та республика) илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича **жами 14 та илмий иш**, жумладан, 1 та ўқув қўлланма, **13 та** илмий мақола (5 таси диссертация асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган миллий журналларда, 2 таси хорижий нашрларда, 6 таси халқаро ва республика илмий-амалий конференциялари тўпламларида) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертациянинг тузилиши кириш, 6 та параграфдан иборат учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 156 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқот ишининг кириш қисми (докторлик диссертацияси аннотацияси)да тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мувофиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, натижаларининг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритилган.

Диссертациянинг **“Жиноят процессида иш юритишни тўхтатиш ва қайта тиклашнинг назарий ҳамда процессуал жиҳатлари”** номли биринчи бобида жиноят процессида иш юритишни тўхтатиш ва қайта тиклашнинг тушунчаси, юридик табиати, умумий тавсифи, ҳуқуқий аҳамияти, ушбу институтларнинг тадрижий ривожланишига оид масалалар ўрганилган.

Жумладан, мазкур бобда Ўзбекистон ва МДХга аъзо давлатлардаги процессуалист олимларнинг фикрларини ўрганиш ҳамда амалдаги қонунчилик ҳужжатлари нормалари ва суд-тергов амалиётини таҳлил қилиш натижасига кўра “жиноят процессида иш юритишни тўхтатиш” ва “жиноят процессида иш юритишни қайта тиклаш” тушунчаларига муаллифлик таърифлари шакллантирилган.

Шунингдек, мазкур бобда жиноят процессида иш юритишни тўхтатиш ва қайта тиклашнинг тарихий ривожланиш босқичлари тарихий манбалар асосида батафсил ўрганилиб, Ўзбекистон ҳудудида жиноят-процессуал қонунчиликни ривожланишига туртки бўлган ва унинг ривожланишига катта ҳисса қўшган 1864 йилги “Жиноят судлов ишларини юритиш низоми” дан тортиб, ҳозирда амалда бўлган ЖПКнинг нормаларигача таҳлил қилинган.

Ўрганиш натижаларига кўра, жиноят процессида иш юритишни тўхтатиш ва қайта тиклаш институтининг тадрижий ривожланишини шартли равишда уч босқичга бўлиш таклиф этилган:

*биринчи босқич*, жиноят процессида иш юритишни тўхтатиш ва қайта тиклаш институтининг вужудга келиши ҳамда жиноят процессининг мустақил босқичи сифатида шаклланиши (1864 йилдан 1917 йилга қадар);

*иккинчи босқич*, жиноят процессида иш юритишни тўхтатиш ва қайта тиклаш институтининг собиқ Совет Иттифоқи даврида мустақил институт сифатида ривожланиши (1917-1994 йиллар оралиғи);

*учинчи босқич*, мустақил Ўзбекистон қонунчилигида жиноят процессида иш юритишни тўхтатиш ва қайта тиклаш институтининг қатъий ўрин эгаллаши.

Тадқиқотнинг **“Жиноят процессида иш юритишни тўхтатиш ва қайта тиклашнинг процессуал тартиби”** номли иккинчи бобида жиноят процессида иш юритишни тўхтатишнинг қонунда белгиланган ҳар бир асоси ва процессуал тартиби батафсил ёритилиб, дастлабки терговни тўхтатишнинг умумий ва махсус шартлари, назария ва амалиётда юзага келаётган муаммолар ва уларнинг ечими бўйича қонунчилик ҳужжатларига таклифлар илгари сурилган. Хусусан, дастлабки терговни тўхтатиш институти нафақат айбланувчи мақомидаги шахсга нисбатан, балки гумон қилинувчи шахсга нисбатан ҳам қўлланилиши зарурлиги (А.Шагинян, Л.Репкин, Н.Якубович, Ф.Насриддинов), қонунда “тергов ва суддан яширинган” ҳамда “қаерда эканлиги аниқланмаган” айбланувчи деган тушунчаларни бир-биридан ажратиш таклиф этилган (*респондентларнинг 39,3 фоизи бу таклифни қўллаб-қувватлаган, бундай нормалар Қозоғистон, РФ, Украина, Қирғизистон, Латвия қонунчилигида назарда тутилган*).

Шунингдек, қонун нормаларини ҳамда олимларнинг фикрларини таҳлил қилган ҳолда “тергов ёки судга келишдан қасддан бўйин товлаш ёхуд яшириниш” тушунчасининг муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган.

Шу асосда, ЖПКнинг 318-моддаси биринчи қисми еттинчи бандида ҳар қандай қидирув эълон қилинган шахсдан процессуал чиқимларни ундириш эмас, балки тергов ва судга келишдан қасддан бўйин товлаган ёки яширинган шахсларни қидириш, ушлаш, мажбурий келтириш ёки экстрадиция қилиш учун қилинган харажатларни ундиришни белгилаш таклиф этилган.

Қидирув нафақат айбланувчи ёки судланувчига нисбатан, балки гумон қилинувчига нисбатан ҳам эълон қилинишини қонунда белгилаш, шу муносабат билан гумон қилинувчига нисбатан ҳам сиртдан қамоққа олиш эҳтиёт чораси қўлланиши мумкинлигини белгилаш таклиф этилган (*РФ, Қозоғистон, Қирғизистон, Украина, Латвия, Эстония қонунчилигида назарда тутилган, респондентларнинг 39 фоизи қувватлаган*).

Бундан ташқари, процессуалист олимлар (Х.Ботиров, В.Дорошков, Н.Патов) фикрини таҳлил қилган ҳолда ЖПКнинг 370-моддасига жиноят иши тергови тўхтатилгандан сўнг хатланган почта-телеграф жўнатмаларини кўздан кечириш ва олиб қўйиш ҳамда телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, улар

орқали узатиладиган ахборотни олиш тергов ҳаракатларини ўтказишга имкон берувчи ўзгартириш киритиш таклиф этилган (*респондентларнинг 45 фоизи таклифни қўллаб-қувватлаган, Қирғизистон, Туркменистон, Арманистон, Латвия ва Молдова қонунчилигида назарда тутилган*).

Хорижий давлатлар (*РФ, Озарбайжон, Туркменистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Беларусия*) қонунчилигининг таҳлилидан келиб чиққан ҳолда, жиноят фош этилмаган, қидирувдаги шахс аниқланмаган ва бедарак йўқолган шахс топилмаганда дастлабки терговнинг қонунда белгиланган муддатлари тамомлангунга қадар тергов ўтказиш шартлиги таклиф қилинган.

Суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси жараёнида иш юритиш тўхтатилганда ёки қайта тикланганда, шахсга нисбатан қидирув эълон қилинганда ёхуд қидирув бекор қилинганда бу ҳақда прокурорга ва тезкор-қидирув органларига йигирма тўрт соат ичида хабар бериш ҳамда терговни тўхтатиш ҳақидаги қарорни прокурор томонидан ўн сутка ичида ўрганиш тартибини жиноят-процессуал қонунчиликда тўғридан-тўғри мустаҳкамлаш таклиф этилган (*респондентларнинг 61 фоизи таклифни қўллаб-қувватлаган, Беларусия, Озарбайжон, Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон, Қозоғистон республикалари қонунчилигида назарда тутилган*).

Диссертант айбланувчи ва судланувчи оғир ва давомли, бироқ тузалмайдиган касалликка чалинган ҳолларда жиноят ишини тугатишни ЖПКнинг 84-моддаси учинчи қисмида назарда тутишни таклиф этган.

Касаллик сабабли тўхтатилган жиноят иши тегишли тиббиёт муассасасининг гумон қилинувчи ёки айбланувчининг тузалганлиги ҳамда келгусида тергов ва суд ҳаракатларида иштирок эта олиши мумкинлиги ҳақидаги ёзма маълумоти ёхуд суд экспертизаси хулосаси асосида қайта тикланиши мумкинлигини ЖПКнинг 371-моддасида белгилаш таклиф қилинган.

Тадқиқот давомида тергов раҳбарларининг терговчиларнинг қонунга хилоф ва асоссиз қарорларини бекор қилиш ваколатини бериш орқали идоравий назорат самарадорлигини ошириш таклиф этилган (*Беларусия ва РФ қонунчилигида мавжуд, респондентларнинг 58 фоизи таклифни қувватлаган*).

Диссертант амалдаги жиноят-процессуал қонунчилигимизда дастлабки терговда ёки суд муҳокамаси даврида жиноят ишини юритиш тўхтатилганда ёки қайта тикланганда бу ҳақда йигирма тўрт соат ичида барча манфаатдор процесс иштирокчиларини хабардор қилиш ҳақидаги нормани мустаҳкамлаш зарурлигини асослантирган (*Германия, РФ, Беларусия, Қирғизистон, Қозоғистон, Туркменистон қонунчилигида назарда тутилган*).

Бундан ташқари, тўхтатилган жиноят ишини етарли асосларсиз ёки сунъий тергов муддатини яратиш мақсадида қайта-қайта бекор қилиш каби салбий амалиётга барҳам бериш мақсадида, ЖПКнинг 351-моддаси 8-қисмига жиноят ишини тўхтатиш ҳақидаги қарорни туман-шаҳар прокурори бекор қилганда бир ой доирасида бир маротаба муддат белгилаши, кейинчалик бундай қарорлар бекор қилинганда вилоят ва уларга тенглаштирилган прокурорлар томонидан қўшимча муддат белгиланиши таклифи илгари сурилган (*респондентларнинг 60 фоизи таклифни қувватлаган*).

Диссертациянинг “**Жиноят процессида иш юритишни тўхтатиш ва қайта тиклашни такомиллаштириш истиқболлари**” номли учинчи бобида жиноят процессида иш юритишни тўхтатиш ва қайта тиклашга оид АҚШ, Австрия, Англия, Арманистон, Беларусия, Германия, Грузия, Латвия, Молдова, Озарбайжон, Россия Федерацияси, Тожикистон, Туркменистон, Украина, Франция, Хитой, Қозоғистон, Қирғизистон, Эстония каби хорижий давлатларнинг қонунчилигини миллий қонунчилик билан қиёсий таҳлил қилиб, уни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Хусусан, Беларусия қонунчилиги ҳамда процессуалист олимларнинг (Ю.Францифоров, А.Кругликов, Б.Гаврилов) илмий қарашларини, шунингдек суд-тергов амалиётини ўрганган ҳолда ЖПКнинг 329-моддасига терговга қадар текширувни тўхтатишни белгиловчи нормаларни киритиш таклиф қилинган (*респондентларнинг 52,5 фоизи бу таклифни қувватлаган*).

Бундан ташқари, ЖПКнинг 36-моддаси (терговчининг ваколатлари) ва 38<sup>1</sup>-моддасида (суриштирувчининг ваколатлари) терговни тўхтатиш ваколоти назарда тутилмаганлиги сабабли, ушбу ваколатни белгилаш таклиф этилган.

ЖПКнинг 364 ва 420-моддаларига жиноят иши бўйича иш юритишни тўхтатишдан олдин хатланган мол-мулк тақдирини ҳал этиш ҳамда хавфсизлик чоралари белгиланган процесс иштирокчиларининг ҳимоясини давом эттириш ёки йўқлиги масаласи тегишли қарорда ўз аксини топиши лозимлиги ҳақида асослантирилган таклиф тайёрланган (*РФ қонунчилигида назарда тутилган, 14.05.2018 й. ПҚ-3723-сон қарорнинг 9-бандида белгиланган*).

Шунингдек, диссертацияда ЖПКнинг 364-моддасидаги асослар қаторига “шахсни жиноий жавобгарликдан дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум қилиш масаласи ҳал этилаётганлиги муносабати билан дастлабки терговни тўхтатиш”ни киритиш, ЖПКнинг 84-моддасида эса “агар дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ёки жиноий жавобгарликка тортишга розилик бериш рад этилган бўлса, нореабилитация асослари билан тугатиш”ни белгилаш таклиф этилган (*Арманистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Озарбайжон, Молдова ва Тожикистон қонунчилигида назарда тутилган, респондентларнинг 43 фоизи бу таклифни қувватлаган*).

Бундан ташқари, суд томонидан жиноят иши юритувини тўхтатишга оид турли моддалардаги талабларни умумлаштириб, суд амалиёти ва хорижий давлатлар қонунчилигини таҳлил қилган ҳолда, ЖПКнинг 420-моддасини янги таҳрирда баён этиш таклиф этилиб, унда ўнта асосга кўра суд жиноят ишини юритишни тўхтатиши мумкинлиги белгиланган.

Хорижий давлатларнинг қонунчилик таҳлили (*Қозоғистон, Беларусия*) ҳамда суд-тергов амалиётини ўрганиш ҳамда прокурор-тергов ходимлари ўртасида ўтказилган сўров натижаларидан (*респондентларнинг 46 фоизи қувватлаган*) келиб чиққан ҳолда ЖПКнинг 364 ва 420-моддаларига иш бўйича тайинланган экспертиза, тафтиш, хизмат текшируви ёки бошқа турдаги текширув яқунланмаганда жиноят иши бўйича иш юритишни тўхтатиш мумкинлиги ҳақидаги асосни киритиш таклиф этилган.

Пандемия даврида жиноят ишларини юритишни тўхтатиш асослари хорижий давлатлар (*Арманистон, Беларусия, Россия, Украина, Қозоғистон*)

қонунчилигида белгиланган бўлса-да, миллий қонунчиликда назарда тутилмагани сабабли респондентларнинг 32,3 фоизи иш юритувидаги жиноят ишларини пандемия вақтида қош этилмаганлик асоси билан тўхтатганлигини, келгусида бундай асосни қонунчиликда белгилашни эса 46 фоиз респондент қувватлаганлигини инобатга олиб, ЖПКнинг 364 ва 420-моддаларига иш юритишни тўхтатишнинг бундай асосини киритиш таклиф қилинган.

Хорижий давлатлар (*Беларусия, Қозоғистон, Тоҷикистон, Қирғизистон, Озарбайжон, Украина, Молдова*) қонунчилигида айбланувчини экстрадиция қилиш, жиноий таъқибни давом эттириш учун жиноят ишини хорижий давлатга юбориш жараёнида иш юритишни тўхтатиш мумкинлиги белгиланган. Тадқиқот натижасига кўра, ЖПКнинг 364 ва 420-моддаларига ушбу мазмундаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш таклифи берилган.

Жиноят ишидаги далиллар ғайриқонуний тарзда тўпланганлиги, қийноқ ва шафқатсиз усуллар қўлланилганлигига оид ҳар бир мурожаат прокурор томонидан ўрганилиши ва ҳуқуқий баҳо берилиши лозим. Бироқ, жиноят иши бўйича процессуал муддатларнинг ўтиши прокурор текшируви яқунларини кутиш ва кейин қонуний тўхтамга келиш имкониятини бермаслиги, айрим хорижий давлатлар қонунчилигида эса бундай текширув ўтказилаётганда (*Қозоғистон*) иш юритишни тўхтатиш назарда тутилганлигини инобатга олиб, ЖПКнинг 364 ва 420-моддаларига бу каби асосни киритиш таклиф қилинган (*респондентларнинг 52 фоизи таклифни қувватлаган*).

Судда кўрилаётган жиноят иши бўйича қўлланилган қонуннинг Конституцияга мослиги ҳақидаги мурожаат ўрганилаётган даврда жиноят иши юритувини тўхтатиш асосини ЖПКнинг 420-моддасига киритиш таклиф этилган (*Арманистон, Беларусия, Грузия, Латвия, Озарбайжон, РФ, Қозоғистон, Қирғизистон қонунчилигида бундай асос белгиланган, респондентларнинг 54 фоизи таклифни қувватлаган*).

Биринчи инстанция судида кўрилаётган жиноят ишининг бир қисми юзасидан қабул қилинган ҳукм ёки ажримнинг қонунийлиги юқори инстанцияда кўрилаётган вақтда, унинг натижаси мазкур иш бўйича узил-кесил қарор қабул қилишга таъсир қилиши мумкин бўлганда иш юритишни тўхтатиш асосини ЖПКнинг 420-моддасига киритиш ҳақида таклиф илгари сурилган (*респондентларнинг 55,4 фоизи таклифни қувватлаган*).

Тергов амалиёти таҳлили ҳамда Қозоғистон ва Беларусия республикаларининг қонунчилигини ўрганиш натижасига кўра бедарак йўқолган фуқаронинг топилмаслиги ҳолати жиноят ишини тўхтатиш асоси сифатида қонунда белгиланиши зарурлиги бўйича таклиф илгари сурилган.

## ХУЛОСА

Жиноят процессида иш юритишни тўхтатиш ва қайта тиклаш институтини такомиллаштириш масалаларини тадқиқ этиш натижасига кўра, қуйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

## **I. Жиноят-процессуал ҳуқуқи назариясига оид хулосалар:**

1. Мамлакатимизда жиноят процессида иш юритишни тўхтатиш ва қайта тиклашнинг тадрижий ривожланишини қуйидаги босқичларга бўлиб ўрганилиши мақсадга мувофиқ:

*биринчи босқич*, жиноят процессида иш юритишни тўхтатиш ва қайта тиклаш институтининг вужудга келиши ҳамда жиноят процессининг мустақил босқичи сифатида шаклланиши (1864 йилдан 1917 йилга қадар);

*иккинчи босқич*, жиноят процессида иш юритишни тўхтатиш ва қайта тиклаш институтининг собиқ совет иттифоқи даврида мустақил институт сифатида ривожланиши (1917-1994 йиллар оралиғи);

*учинчи босқич*, мустақил Ўзбекистоннинг миллий қонунчилигида жиноят процессида иш юритишни тўхтатиш ва қайта тиклаш институтининг катъий ўрин эгаллаши.

Тадқиқот давомида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар жиноят процессида иш юритишни тўхтатиш ва қайта тиклаш институтининг янада такомиллашишига туртки бўлувчи тўртинчи босқичнинг бошланиш нуқтаси бўлиб хизмат қилиши тўғрисида фикр илгари сурилган.

2. “Жиноят процессида иш юритишни тўхтатиш”, “Жиноят процессида иш юритишни қайта тиклаш” ва “Тергов ёки судга келишдан қасддан бўйин товлаш ёхуд яшириниш” тушунчаларининг муаллифлик таърифлари шакллантирилган:

*жиноят процессида иш юритишни тўхтатиш* – бу суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг жиноят иши бўйича суриштирув, дастлабки тергов ҳамда суд муҳокамасини тамомлаш учун тўсиқ бўлаётган ҳолатларни бартараф этишга қаратилган ҳамда қонунда белгиланган асослар юзага келгандагина қабул қилиши мумкин бўлган вақтинчалик танаффус ҳақидаги процессуал қарори;

*жиноят процессида иш юритишни қайта тиклаш* – бу суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамасини вақтинчалик тўхтатишга асос бўлган ҳолатларнинг бартараф этилиши муносабати билан ёхуд ушбу ҳолатларни бартараф этиш мақсадида иш юритишни давом эттириш ҳақидаги процессуал қарори;

*тергов ёки судга келишдан қасддан бўйин товлаш ёхуд яшириниш* – бу шахснинг содир этган ғайриқонуний қилмиши учун жиноий таъқибни амалга оширувчи органлар томонидан процессуал тартибда ушланишдан, жиноий жавобгарликка тортилишдан ёки у билан боғлиқ ҳар қандай тергов-процессуал ҳаракатлари ўтказилишидан ёхуд суд томонидан жазо тайинланишидан ҳар қандай йўллар билан қутулиб қолишга, ушбу органларнинг чақирувини инкор этишга қаратилган қасддан қиладиган ҳаракат ёки ҳаракатсизлигидир.

3. Жиноят процессида иш юритишни тўхтатиш учун нафақат қонунда кўрсатилган асослар, балки қатор умумий ва махсус шартларга риоя этилиши зарурлиги ҳақидаги хулосага келинган. Иш юритишни тўхтатишнинг умумий ва махсус шартлари назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилинди.

Ушбу шартларга риоя этилиши дастлабки терговни нафақат тўхтатилгунга қадар, балки тергов қайта тиклангандан сўнг ҳам тўлақонли ва қонун доирасида ўтказилишига, жиноят ишини тўхтатишдан аввал қонуний асос, процессуал тартиб ва шаклига оғишмай риоя этилишини таъминлайди.

## **II. Жиноят-процессуал қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар:**

4. ЖПКнинг 36-моддаси биринчи қисми “Терговчи: жиноят ишини кўзғатишга” деган сўзлардан кейин “тўхтатишга” деган сўз билан тўлдирилсин”.

5. ЖПК 37-моддасининг иккинчи қисми “ишни бир терговчидан иккинчи терговчига олиб беришга” сўзларидан кейин “терговчининг қонунга хилоф ва асоссиз қарорларини бекор қилишга” сўзлари билан тўлдирилсин.

6. ЖПКнинг 38<sup>1</sup>-моддаси биринчи қисми “Суриштирувчи: жиноят ишини кўзғатишга” деган сўзлардан кейин “тўхтатишга” деган сўз билан тўлдирилсин.

7. ЖПК 39-моддасининг иккинчи қисми “ишни бир суриштирувчидан иккинчи суриштирувчига олиб беришга” сўзларидан кейин “суриштирувчининг қонунга хилоф ва асоссиз қарорларини бекор қилишга” сўзлари билан тўлдирилсин.

8. ЖПК 84-моддасининг биринчи қисми қуйидаги мазмундаги тўққизинчи банд билан тўлдирилсин:

“9) дахлсизлик ҳуқуқига эга бўлган шахсни дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум қилиш, жиноий жавобгарликка тортишга розилик бериш рад этилган бўлса”;

учинчи қисми қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Агар жиноят содир этган шахсда унинг тергов ва суд ҳаракатларида иштирок этишига монелик қиладиган оғир ва тузалмайдиган касаллик аниқланса, жиноят иши айблилиқ ҳақидаги масала ҳал қилинмасдан тугатилади”.

9. ЖПК 242-моддасининг иккинчи қисми иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи тергов ва судга келишдан қасддан бўйин товлаган ёхуд яширинганда”.

10. ЖПКнинг 243-моддаси қуйидаги мазмундаги янги ўн бешинчи қисм билан тўлдирилсин:

“Терговга келишдан қасддан бўйин товлаган ёхуд яширинган гумон қилинувчига нисбатан сиртдан қамоққа олиш эҳтиёт чорасини қўллаш ушбу моддада белгиланган тартибда амалга оширилади”.

11. ЖПК 318-моддасининг биринчи қисми еттинчи банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“тергов ва судга келишдан қасддан бўйин товлаган ёки яширинган шахсларни ушлаш, мажбурий келтириш ва қидириш учун қилинган ҳаражатлардан”.

12. ЖПКнинг 329-моддаси қуйидаги мазмундаги янги тўртинчи-саккизинчи қисмлар билан тўлдирилсин:

“Терговга қадар текширув қуйидаги ҳолларда кўпи билан уч ойдан ошмаган муддатга суриштирувчи, терговчи ёки терговга қадар текширувни амалга ошираётган орган мансабдор шахсининг асослантирилган қарорига асосан тўхтатилади, агар:

1) ушбу модда иккинчи қисмида кўрсатилган тергов ҳаракатларини ўтказишнинг реал имконияти бўлмаганда ёки уларни ўтказишга тўсқинлик қилувчи ҳолатлар юзага келганда;

2) ушбу модда учинчи қисмида кўрсатилган ҳолатларни қонунда белгиланган бир ойлик муддат ичида яқунлаш ёки бартараф этиш имкони бўлмаганда.

Терговга қадар текширув тўхтатилган вақтда экспертиза, тафтиш ва бошқа хизмат текширувлари ўтказиш ҳамда жиноят оқибатларини бартараф этишдан бошқа ҳаракатларни ўтказиш тақиқланади.

Тўхтатилган терговга қадар текширув ҳаракатлари қуйидаги ҳолларда қайта тикланади:

1) суриштирувчи, терговчи ёки терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахсининг текширувни қайта тиклаш ҳақидаги қарорига асосан;

2) суриштирув ёки тергов органи раҳбарининг ёхуд прокурорнинг терговга қадар текширувни тўхтатиш ҳақидаги қарорни бекор қилиш ва қўшимча текширувни ўтказиш ҳақидаги қарорига асосан.

Терговга қадар текширув тўхтатилганда, қайта тикланганда ва терговга қадар текширув якуни бўйича қарор қабул қилинганда, бу ҳақда прокурорга ҳамда жиноят ҳақидаги ариза ёки хабарни йўллаган ёхуд бу ҳақдаги маълумотни тақдим этган, шунингдек терговга қадар текширув натижасига кўра қабул қилинган қарор манфаатларига дахл қиладиган шахсларга йигирма тўрт соат ичида ёзма равишда хабар берилади.

Бедарак йўқолган фуқаро топилмаганда ҳамда номаълум мурданинг шахси аниқланмаганда ўтказилган терговга қадар текширув натижасига кўра қабул қилинган қарор ва бошқа зарур ҳужжатлар нусхалари тезкор-қидирув тадбирларини ташкил этишга масъул бўлган органга йигирма тўрт соатдан кечиктирмасдан юборилиши лозим”.

13. ЖПК 351-моддасининг саккизинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Иш қўшимча тергов ўтказиш учун қайтариб юборилганда, шунингдек тўхтатилган ёки тугатилган иш қайта тикланганда қўшимча тергов муддати мазкур ишни терговчи қабул қилган пайтдан эътиборан бир ой доирасида белгиланади. Тўхтатилган ёки тугатилган иш қайта тикланганда, дастлабки терговнинг қонунда белгиланган муддати тугалланмаган бўлса, жиноят иши бўйича дастлабки тергов муддати доирасида тергов ҳаракатлари ўтказилади ва

бундай ҳолда прокурор томонидан қўшимча тергов муддати белгиланиши талаб этилмайди. Жиноят иши бўйича дастлабки терговни тўхтатиш ёки тугатиш қарори биринчи маротаба бекор қилинганда туман-шаҳар ва уларга тенглаштирилган прокурорлар томонидан бир ойга қадар тергов муддати белгиланади, кейинчалик ушбу қарорлар бекор қилинганда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳар прокурори ва уларга тенглаштирилган прокурорлар ёхуд юқори турувчи прокурор томонидан бир ой доирасида қўшимча тергов муддати белгиланади. Бу муддатни янада узайтириш иш прокурорга берилгунга, тўхтатиб турилгунга ёки тугатилгунга қадар ўтган тергов муддати ҳисобга олинган ҳолда умумий асосларда амалга оширилади”.

14. ЖПКнинг 364-моддаси қуйида таҳрирда баён этилсин:

**“364-модда. Дастлабки терговни тўхтатиш асослари ва тартиби**

Дастлабки тергов:

1) иш бўйича гумон қилинувчи ёки айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиниши лозим бўлган шахс аниқланмаган;

2) гумон қилинувчи ёки айбланувчининг қаерда эканлиги номаълум бўлган;

3) гумон қилинувчи ёки айбланувчи терговга келишдан қасддан бўйин товлаган ёхуд яширинган;

4) гумон қилинувчи ёки айбланувчининг турган жойи аниқ бўлса-да, уни терговга келтиришнинг реал имконияти бўлмаган;

5) гумон қилинувчи ёки айбланувчининг тергов ва бошқа процессуал ҳаракатларда иштирок этишига вақтинчалик тўсқинлик қиладиган касалликка чалинганлиги тегишли суд экспертизасининг хулосаси билан аниқланган;

6) шахсни дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум қилиш, жиноий жавобгарликка тортишга розилик олиш юзасидан ваколатли органга сўров юборилган;

